3. Импорт қилувчи Аҳдлашувчи Томоннинг ваколатли органлари текширув жараёни бошланиши биланоқ маълум экспортчиларга ва экспорт қилувчи Аҳдлашувчи Томоннинг ваколатли органларига олинган ёзма аризанинг махфий бўлмаган матнини тақдим этадилар.

4. Текширув жараёнида фойдаланилган саволномаларни олган манфаатдор шахсларга жавоб бериш учун камида 30 (ўттиз) кун муддат берилади. 30 (ўттиз) кунлик муддатни узайтириш тўғрисидаги ҳар қандай сўров лозим даражада кўриб чиқилиши ва кўрсатилган сабабга кўра, иложи бўлган тақдирда, узайтирилиши керак.

9-модда

Муҳофаза чоралари

1. Аҳдлашувчи Томонларнинг миллий қонунчилигига мувофиқ белгиланган муҳофаза чоралари бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахл қилмаган ҳолда, агар мазкур Битимга асосан тарифни бекор қилиш натижасида Аҳдлашувчи Томоннинг ишлаб чиқарилган товарлари бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудига миллий ишлаб чиқаришга нисбатан мутлақ ёки нисбатан кўпайтирилган миқдорда ҳамда ўхшаш ёки тўғридан-тўғри рақобатбардош товарларни ишлаб чиқарувчи маҳаллий саноатга жиддий зарар етказадиган ёки етказиш таҳдиди остида бўлган даражада импорт қилинаётган тақдирда, импорт қилувчи Аҳдлашувчи Томон мазкур Битимнинг 13-моддасига мувофиқ бошқа Аҳдлашувчи Томон билан олдиндан маслаҳатлашган ҳолда муҳофаза чораларини қўллаши мумкин.

2. Муҳофаза чораларини қўллашдан аввал, Аҳдлашувчи Томонларнинг ҳар бири учун мақбул ечим топиш мақсадида, бундай чораларни қўллаш ниятида бўлган Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томонга вазиятни ўрганиш учун зарур бўлган барча тегишли маълумотларни тақдим этади. Бундай ечимни топиш мақсадида, Аҳдлашувчи Томонлар зудлик билан маслаҳатлашувлар ўтказадилар. Агар маслаҳатлашувлар натижасида Аҳдлашувчи Томонлар 30 (ўттиз) кун ичида келишувга эришмасалар, шикоят қилувчи Аҳдлашувчи Томон муҳофаза чораларини қўллаши мумкин.

10-модда**Халқаро муҳофаза чоралари**

Мазкур Битим қоидаларининг ҳеч бири ҳар икки Аҳдлашувчи Томонга 1994 йилдаги ГАТТнинг XIX моддаси ва Жаҳон савдо ташкилотининг (ЖСТ) Ҳимоя чоралари тўғрисидаги Битимига мувофиқ ҳимоя чораларини кўришга тўсқинлик қилмайди.

11-модда**Тўлов балансидаги муаммолар**

Башарти Аҳдлашувчи Томонлардан бири тўлов баланси билан боғлиқ муаммоларга дуч келганда ёки бундай хавф остида бўлса, Аҳдлашувчи Томонлар Халқаро Валюта Фонди Битимининг VIII ва XIV моддаларида кўрсатилган шартларга мувофиқ, чекланган муддатда бўлиши лозим ва тўлов баланси билан боғлиқ вазиятни ҳал этиш учун зарур доирадан чиқмаслиги шарти билан чеклов чораларини кўриши мумкин. Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томонни чекловлар киритилиши билан дарҳол хабардор қилади ва бошқа Аҳдлашувчи Томонга имкон қадар тезроқ уларни олиб ташлаш вақт жадвалини тақдим этади.

12-модда**Умумий истиснолар**

Мазкур Битимда ҳеч нарса жамоат тартиби, миллий хавфсизлик, инсон, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси ва соғлиқни ҳимоя қилиш, бадий, тарихий ва археологик қадриятларга эга бўлган миллий бойликларни муҳофаза қилиш, қазиб олинмаган табиат ресурслари ва генетик захираларни муҳофаза қилиш, олтин ёки кумушга оид тартиботлар ва бу маҳсулотни экспорт қилиш тўғрисидаги тартибга амал қилган ҳолда, унинг нархини ҳукумат барқарорлаштириш режасининг бир қисми сифатида жаҳон нархидан паст даражада ушлаб туриш мақсадида Аҳдлашувчи Томонлар ўртасидаги савдода ўзбошимчалик билан ёки асосиз камситишга йўл қўйиш ёки яширин чеклов қўйиш каби йўлларда бундай чоралар қўлламаслик шарти билан импорт, экспорт ёки транзитда бўлган маҳсулотларга нисбатан тақиқ ёки чекловларни истисно этмайди.

13-модда**Хавфсизлик истиснолари**

Мазкур Битимда ҳеч бир нарса қуйидаги ҳолатларда Аҳдлашувчи Томонга хавфсизлик талаблари учун зарур деб ҳисобланадиган ҳар қандай чораларни кўришга тўсқинлик қилмайди:

а) махфий маълумотларнинг асосий хавфсизлик манфаатларига зид бўлган ошкор этилишига йўл қўймаслик;

б) ўзининг асосий хавфсизлик манфаатларини ҳимоя қилиш ёки халқаро мажбуриятлар ёки миллий сиёсатни амалга ошириш учун:

(i) қурооллар ва ўқ-дориларнинг савдоси билан боғлиқ; ёки

(ii) биологик, кимёвий ва ядровий қуроолларни ёки бошқа ядровий портловчи қурилмаларни тарқатмаслик билан боғлиқ.

14-модда

Ахборот алмашинуви

Бир Аҳдлашувчи Томоннинг сўровига кўра, ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томондан 30 (ўттиз) кунлик муддат ичида мазкур Битимнинг амал қилишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган амалдаги ёки таклиф этилаётган чора-тадбирларга оид маълумотларни тақдим этиши ва ҳар қандай саволга жавоб бериши лозим.

Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон мазкур Битим билан қамраб олинган ҳар қандай савдо масалаларига оид қонунлари ва қоидалари эълон қилинишини ёки оммавий ошкоралигини таъминлайди.

15-модда

Қўшма қўмита

1. Қўшма қўмита ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг вакилларида иборат таркибда ташкил этилади. Қўшма қўмита йилига бир марта йиғилиб, мазкур Битимни амалга оширишда эришилган ютуқларни кўриб чиқади. Ҳар қандай Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томонни хабардор қилган ҳолда навбатдан ташқари йиғилиш ўтказишни талаб қилиши мумкин.

2. Қўшма қўмита мазкур Битим қоидаларига мувофиқ унга юкланган ҳар қандай вазифани ўз зиммасига олади. Бир Аҳдлашувчи Томоннинг илтимосига ва бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг розилиги билан Қўшма қўмита мазкур Битимни амалга оширишга таъсир этувчи бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқади.

3. Қўшма қўмита мазкур Битим билан боғлиқ масалалар бўйича қарорлар, шу жумладан, мазкур Битимга ҳар қандай тузатишлар киритиш бўйича қарорлар қабул қилиши мумкин. Қўшма қўмита мазкур Битим билан боғлиқ масалалар бўйича ҳам тавсиялар бериши мумкин.

4. Мазкур Битимга ҳар қандай ўзгартириш киритиш бўйича Қўшма қўмита томонидан қабул қилинган қарорлар Битимнинг 17 ва 18-моддаларига мувофиқ, Аҳдлашувчи Томонларнинг тегишли ички процедуралари бажарилиши шarti билан қабул қилинади.

5. Қўшма қўмита қарорлари келишув (консенсус) йўли билан қабул қилинади.

Қўшма қўмита ўзининг биринчи йиғилишида ўз тартиб-қоидаларини белгилайди.

6. Қўшма қўмита зарур деб ҳисоблаган бошқа қўйи қўмиталар ёки ишчи гуруҳларни ҳам тузиши мумкин.

16-модда**Маслаҳатлашувлар ва низоларни ҳал этиш**

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон мазкур Битимнинг амал қилишига таъсир этувчи ҳар қандай масала бўйича ўзаро мулоҳазакорлик билан ёндашади ва маслаҳатлашувлар учун муносиб имконият яратади.

2. Мазкур Битимни талқин қилиш ва қўллашдан келиб чиқадиган ҳар қандай низолар аввало Қўшма қўмита томонидан икки томонлама маслаҳатлашувлар орқали тинч йўл билан ҳал қилинади.

17-модда**Кўриб чиқиш ва ўзгартиришлар киритиш**

1. Аҳдлашувчи Томонлар ўзаро келишув асосида, Битимни қўллашда тўпланган тажрибани ҳисобга олган ҳолда, унга ўзгартиришлар ишлаб чиқишлари ва қоидалар қўшишлари мумкин. Шунинг учун ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўзаро савдони янада эркинлаштиришга қўмаклашиш мақсадида таклифлар киритиши мумкин.

2. Аҳдлашувчи Томонларнинг ўзаро келишувига кўра, мазкур Битимга унинг ажралмас қисми бўлган ва Битимнинг 15-моддасида назарда тутилган тартибда кучга кирадиган алоҳида баённомалар билан расмийлаштириладиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

18-модда**Кучга кириши, муддати ва тугатилиши**

1. Мазкур Битим Аҳдлашувчи Томонлар дипломатик каналлар орқали унинг кучга кириши учун зарур бўлган ички ҳуқуқий процедуралар бажарилганлиги тўғрисидаги охириги ёзма хабарнома олган кундан кейинги иккинчи ойнинг биринчи кунидан бошлаб кучга киради.

2. Мазкур Битим беш (5) йил давомида амал қилади, ҳар бир Аҳдлашувчи Томон унинг амал қилиш муддати тугашидан камида бир йил олдин мазкур Битимнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида хабар бериши мумкин.

3. Агар Аҳдлашувчи Томонлардан бири бошқа Аҳдлашувчи Томонни мазкур Битимни бекор қилиш нияти ҳақида олти (6) ой олдин ёзма равишда хабардор қилмаса, мазкур Битим автоматик равишда кейинги беш (5) йиллик муддатга узайтирилади.

Тошкент шаҳрида 2022 йил 15 июлда, Исломобод шаҳрида 2022 йил 3 октябрда, икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар тенг аутентикдир.

Мазкур Битим қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан
Эрон Ислом Республикаси Ҳукумати ўртасида дипломатик
паспорт эгаларини виза талабларидан ўзаро озод
этиш тўғрисида
КЕЛИШУВ**

2022 йил 14 сентябрь, Самарқанд

*Мазкур Битим Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2023 йил 24 февралдаги «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида»ги
ПҚ–71-сон қарори билан тасдиқланган.*

(Ўзбекистон Республикаси учун 2023 йил 1 апрелдан кучга кирган)

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Эрон Ислом Республикаси Ҳукумати, кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталувчилар,

Томонлар давлатлари ўртасида икки томонлама дўстона муносабатларни янада кенгайтиришга қизиқиш билдириб,

дипломатик паспорт эгаларини виза талабларидан ўзаро озод этиш истагидан келиб чиқиб,

қуйидагилар тўғрисида келишувга эришдилар:

1-модда

Томонлардан бири давлатининг амалдаги дипломатик паспорт эгалари бошқа Томон давлати ҳудудига кирган санадан бошлаб, олти (6) ой ичида ўттиз (30) кундан ошмаган муддатда визалар расмийлаштирмаган ҳолда, ушбу Томон давлати ҳудудига кириш, ундан чиқиш, транзит ўтиш ҳамда унда вақтинчалик бўлиш ҳуқуқига эгадирлар.

Мазкур модданинг биринчи қисмида назарда тутилган муддатдан узоқроқ муддатга бошқа Томон давлатининг ҳудудига киришни истаган бир Томон давлатининг амалдаги дипломатик паспорт эгалари ушбу Томон давлатининг ҳудудига кириш учун виза олишлари лозим.

2-модда

Томонлардан бири давлатининг амалдаги дипломатик паспорт эгалари бошқа Томон давлати чегарасини фақат ушбу Томон давлатининг қонунчилигига мувофиқ халқаро йўловчи ташиш учун очик бўлган чегара ўтказиш пунктлари орқали кесиб ўтадилар.

3-модда

Ҳар қандай Томон давлатининг бошқа Томон давлати ҳудудига жойлашган ушбу Томоннинг дипломатик ваколатхоналари ёки консуллик муассасаларида ёки халқаро ташкилотларда аккредитация қилинган амалдаги дипломатик паспорт эгалари ўз аккредитация муддати давомида бошқа Томон

давлатининг ҳудудига виза талабларисиз кириши, ундан чиқиши, транзит ўтиши ёки унда бўлиб туриши мумкин.

Ҳар бир томон мазкур модданинг 1-бандида кўрсатиб ўтилган амалдаги дипломатик паспорт эгаларининг дастлабки кириш вақти тўғрисида бошқа Томонни дипломатик канал орқали хабардор қилади.

Мазкур модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган шартлар бир Томон давлати ҳудудида аккредитация қилинган дипломатик ваколатхона, консуллик муассасаси ёки халқаро ташкилот ходимининг турмуш ўртоғи, вояга етмаган фарзандлари ва қарамоғида бўлган ота-оналарига ҳам татбиқ қилинади, башарти улар бошқа Томон давлатининг амалдаги дипломатик паспорти эгалари ҳисоблансалар.

4-модда

Томонлардан бири давлатининг амалдаги дипломатик паспорти эгалари бошқа Томон давлати ҳудудида паспортлари йўқолган ёки шикастланган тақдирда, ўз давлатининг дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасасини зудлик билан бу ҳақда хабардор қиладилар, улар эса қабул қилувчи давлатнинг Ташқи ишлар вазирлигини тегишли чоралар кўриш учун хабардор қиладилар.

Йўқолган ёки шикастланган ҳужжат ўрнига тегишли Томон давлатининг дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси янги паспорт ёки йўқолган ёхуд шикастланган паспортнинг ўрнини босувчи бошқа вақтинчалик йўл ҳужжатини тақдим этади.

5-модда

Ҳар бир Томон давлатининг амалдаги дипломатик паспортлари эгалари бошқа Томон давлати ҳудудида бўлишлари давомида ушбу Томон давлатининг миллий қонунчилигига, шу жумладан рўйхатдан ўтиш, бўлиб туриш ва ташиш қоидаларига амал қиладилар.

6-модда

Томонлардан ҳар бири ўз давлатлари ҳудудида иккинчи Томоннинг номақбул шахс (персона нон грата) деб топилган фуқароларининг кириб келиши ва бўлиб туришининг олдини олиш, бу каби шахсларнинг ўз давлатлари ҳудудида бўлиб туришининг муддатларини қисқартириш ёки тугатиш ҳуқуқини ўзларида сақлаб қоладилар.

7-модда

Томонлардан ҳар бири исталган вақтда мазкур Келишувнинг барча бандлари ёки бир қисми ижросини хавфсизлик ва жамоат тартиби нуқтаи назаридан вақтинчалик тўхтатиб қўйиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қоладилар. Шундай қарор қабул қиладиган Томон бу чорани қўллашдан камида беш

(5) кун олдин дипломатик каналлар орқали иккинчи Томонни бундан хабардор қилиши керак.

Мазкур Келишувнинг ижросини тўхтатиб қўйган Томон мазкур Келишувнинг ижросини тўхтатиб қўйишга сабаб бўлган шароитлар бартараф этилганидан сўнг бу тўғрисида зудлик билан иккинчи Томонни хабардор қилиши лозим.

8-модда

Мазкур Келишув қоидаларини амалга ошириш ва талқин қилиш бўйича низолар ёки келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, Томонлар уларни дипломатик каналлар орқали музокаралар ва маслаҳатлашувлар йўли билан ҳал қиладилар.

9-модда

Томонлар давлатларининг ваколатли органлари мазкур Келишув имзоланган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кечиктирмасдан дипломатик паспорт намуналарини, шу жумладан, бундай ҳужжатларнинг батафсил тавсифини дипломатик каналлар орқали алмашадилар.

Агар Томонлардан бири мазкур Келишувнинг амал қилиши давомида дипломатик паспортларни алмаштирса ёки уларга ўзгартириш киритса, ушбу Томон бошқа Томонни ўттиз (30) кун аввал дипломатик каналлар орқали хабардор қилади ҳамда янги паспортлар намуналарини, шу жумладан, унинг батафсил тавсифини тақдим қилади.

10-модда

Мазкур Келишув номуайян муддатга тузилади ва унинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички тартиб-таомилларини Томонлар бажарганликлари тўғрисидаги сўнгги ёзма хабарнома дипломатик каналлар орқали олинган санадан ўттиз (30) кун ўтгач кучга киради.

Ҳар бир Томон мазкур Келишувни бошқа Томонга дипломатик каналлар орқали ёзма хабарнома юбориш орқали тугатиши мумкин.

Мазкур Келишув бошқа Томон бундай хабарномани олган санадан бошлаб ўттиз (30) кундан сўнг тугатилади.

Самарқанд шаҳрида 2022 йил 14 сентябрда икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, форс ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар тенг аутентикдир.

Мазкур Келишув қоидаларини талқин қилишда тафовутлар юзага келган тақдирда, инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан
Грузия Ҳукумати ўртасида техник жиҳатдан тартибга солиш,
стандартлаштириш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш
соҳасида ҳамкорлик тўғрисида
БИТИМ**

2023 йил 1 апрель, Тошкент

*(Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан 2023 йил
4 апрелда рўйхатга олинди, рўйхат рақами 4500-Ге-2023-Н)*

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Грузия Ҳукумати кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталувчилар,

савдодаги техник тўсиқларни бартараф этиш мақсадида,

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги ушбу ҳамкорликни ривожлантиришга интилиб, бунда халқаро ташкилотлар тарафидан ушбу соҳада қабул қилинган принциплар ва нормалардан келиб чиқиб,

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳасида ҳамкорликда ишларни амалга ошириш зарурлигини эътироф этиб,

Томонларнинг ҳар бирининг иқтисодий манфаатларини ҳисобга олиб,
қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Томонларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги ҳамкорлиги мазкур Битимга ва Томонлар давлатларининг қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

2-модда

Мазкур Битим қоидаларини амалга ошириш учун Томонларнинг ваколатли органлари қуйидагилар ҳисобланади:

Грузин томони тарафидан — Грузия Иқтисодиёт ва изчил тараққиёт вазирлиги ва Оммавий ҳуқуқ юридик шахси — Грузия Стандартлар ва метрология бўйича миллий агентлиги;

Ўзбек томони тарафидан — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги.

Кўрсатилган ваколатли органларнинг номланиши ёки функцияларида ўзгаришлар бўлган ҳолларда, Томонлар ўз вақтида дипломатик каналлар орқали хабардор қилинадилар.

3-модда

1. Томонлар стандартлаштириш, ўлчовларнинг бирлигини ва мувофиқ-

ликни баҳолашни таъминловчи миллий тизимларини ўзаро тан олиб, мазкур Битимнинг 2-моддасида белгиланган ваколатли идоралар орқали ўз ваколатлари доирасида қўйидаги соҳаларда ҳамкорликни амалга оширишни таъминлайдилар:

а) Техник жиҳатдан тартибга солиш:

халқаро талабларга зид бўлмаган миллий техник регламентларни ишлаб чиқиш;

мавжуд миллий техник регламентлар тўғрисида маълумотларни алмашиш.

б) Стандартлаштириш:

ўзаро етказиб бериладиган маҳсулотлардаги миллий стандартларни халқаро стандартлар билан мувофиқлаштириш;

стандартлаштириш соҳасида ахборот технологияларидан фойдаланиш;

в) Мувофиқликни баҳолаш:

Томонлар бошқа Томоннинг аккредитациядан ўтган ва (ёки) тайинланган (ваколатли) мувофиқликни баҳолаш идоралари, синов лабораториялари ва марказларини, улар тарафидан берилган сертификатларни ва ўзаро етказиб берилган маҳсулот учун синов натижаларини тан оладилар;

маҳсулотнинг хавфсизлиги учун ишлаб чиқарувчи ҳамда мувофиқликни баҳолаш ишлари натижаларининг ишончлилиги учун аккредитациядан ўтган ва (ёки) тайинланган (ваколатли) идора жавобгар ҳисобланади;

Томонлар мазкур Битим асосида импорт қилинадиган маҳсулотларни Томонлар давлатлари қонунчилигига мувофиқ танлаб назорат қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Башарти маҳсулотдаги камчиликлар инсон ҳаёти, соғлиғи, мол-мулки ёки атроф-муҳит учун хавfli деб топилса, Томонлар ўз давлатларининг қонунчилигига мувофиқ чоралар кўрадилар.

г) Метрология:

Томонлар қўйидагиларни тан оладилар:

ўлчов воситаларини тасдиқлаш, қиёслаш, калибрлаш, метрологик аттестациялаш бўйича давлат синовлари (сертификатлар, гувоҳномалар) натижаларини;

ўлчаш воситаларини қиёслаш, калибрлаш, метрологик аттестациядан ўтказувчи ваколатли ва аккредитациядан ўтган лабораториялар ва марказларини;

моддалар ва материаллар таркиби ва хоссаларининг стандарт намуналари, физик константалар ва моддалар ҳамда материалларнинг хоссалари бўйича намунавий маълумотлар, ҳар иккала Томоннинг давлатларида тасдиқланган ўлчов бирликларининг давлат маълумотномаларини.

2. Мазкур Битим Ўзбекистон Республикаси ва Грузия ҳудудларида ишлаб чиқарилган маҳсулотларга нисбатан қўлланилади.

4-модда

Томонлар қўйидагиларни алмашишга келишиб олдилар:

а) техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги қонун ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотларни;

б) техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги ўқув қўлланмалари, семинар ва конференция дастурларини.

5-модда

Томонлар кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, мутахассислар билан алмашиш, техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасидаги ишларни ташкил қилиш учун корхоналар, жамоат ташкилотлари ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни ўрнатиш ва ушбу ҳамкорлик учун қулай шарт-шароитларни яратишда ҳамкорлик қиладилар.

6-модда

Томонлар қабул қилинган ҳужжатлар ва мазкур Битим доирасида амалга оширилган тадбирлар ва эришилган илмий-техникавий натижалар тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини, башарти Томонлардан бири уларнинг махфийлигини қайд этса, таъминлайдилар.

Мазкур Битим доирасида Томонлардан бири тарафидан ҳамкорлик жараёнида олинган ҳужжатлар ва илмий-техникавий маълумотлар учинчи томонга фақат ушбу ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этган Томоннинг ёзма розилиги билан тақдим этилиши мумкин.

7-модда

Мазкур Битим қоидаларини амалга ошириш учун мазкур Битимнинг 2-моддасида белгиланган ҳар иккала Томоннинг ваколатли органлари икки томонлама идоралараро ҳужжатлар тузишлари мумкин.

8-модда

Мазкур Битим қоидаларини талқин қилиш ва қўллаш юзасидан Томонлар ўртасида юзага келадиган низо ва келишмовчиликлар Томонларнинг ваколатли идоралари ўртасидаги маслаҳатлашувлар ва музокаралар орқали ҳал қилинади.

9-модда

Мазкур Битим Томонлар давлатларининг улар иштирок этадиган бошқа халқаро шартномалардан келиб чиқадиган ҳуқуқлари ва мажбуриятларига таъсир қилмайди.

10-модда

Томонларнинг ўзаро келишувига асосан мазкур Битимнинг 12-моддасида белгиланган тартибда кучга кирадиган ва унинг ажралмас қисми ҳисоблана-

диган алоҳида баённомалар билан мазкур Битимга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

11-модда

Мазкур Битим доирасида ҳамкорликни молиялаштириш Битимнинг 2-моддасида белгиланган ваколатли органлар ўртасидаги келишувлар асосида амалга оширилади.

12-модда

1. Мазкур Битим беш йил муддатга тузилади ва имзоланган санадан бошлаб кучга киради. Башарти Томонлардан бири навбатдаги муддат тугаллангунга қадар камида олти ой олдин мазкур Битимнинг амал қилишини тугатиш нияти тўғрисида иккинчи Томонни ёзма равишда хабардор қилмаса, унинг амал қилиши кейинги беш йиллик даврга ўз-ўзидан узайтирилади.

2. Мазкур Битим кучга киргандан сўнг 1996 йил 28 майда имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Грузия Ҳукумати ўртасида стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги Битимнинг амал қилиши тугатилади.

Тошкент шаҳрида 2023 йил 1 апрелда, икки нусхада, ҳар бири ўзбек, грузин ва рус тилларида тузилди, бунда барча матнлар аутентикдир.

Мазкур Битим қоидаларини талқин қилишда тафовутлар юзага келган ҳолларда, Томонлар рус тилидаги матндан фойдаланадилар.

(имзолар)

СОГЛАШЕНИЕ
между Правительством Республики Узбекистан и
Правительством Грузии о сотрудничестве в сфере технического
регулирования, стандартизации, метрологии и оценки
соответствия

Ташкент, 1 апреля 2023 года

*(Зарегистрировано Министерством иностранных дел
Республики Узбекистан 4 апреля 2023 года, регистрационный
№ 4500-Ge-2023-Н)*

Правительство Республики Узбекистан и Правительство Грузии, в дальнейшем именуемые «Сторонами»,

с целью устранения технических барьеров в торговле,

выражая стремление развивать сотрудничество в сфере технического регулирования, стандартизации, метрологии и оценки соответствия, исходя при этом из принципов и норм, установленных международными организациями в этой сфере,

признавая необходимость проведения согласованных работ в сфере технического регулирования, стандартизации, метрологии и оценки соответствия, руководствуясь экономическими интересами государств Сторон,

согласились о следующем:

Статья 1

Сотрудничество между Сторонами в сфере технического регулирования, стандартизации, метрологии и оценки соответствия осуществляется в соответствии с настоящим Соглашением и законодательством государств Сторон.

Статья 2

Уполномоченными органами государств Сторон по реализации положений настоящего Соглашения являются:

от Грузинской стороны — Министерство экономики и устойчивого развития Грузии и Юридическое лицо публичного права — Национальное агентство по стандартам и метрологии Грузии;

от Узбекской стороны — Узбекское агентство по техническому регулированию при Министерстве инвестиций, промышленности и торговли Республики Узбекистан.

При изменении названия или функций вышеуказанных уполномоченных органов, Стороны будут своевременно уведомлены по дипломатическим каналам.

Статья 3

1. Стороны, взаимно признавая действующие национальные системы

стандартизации, обеспечения единства измерений и оценки соответствия, обеспечивают через уполномоченные органы, которые определены в статье 2 настоящего Соглашения, в пределах их полномочий, сотрудничество в следующих направлениях:

а) Техническое регулирование:

разработка национальных технических регламентов, не противоречащих международным требованиям;

обмен информацией о действующих национальных технических регламентах.

б) Стандартизация:

гармонизация национальных стандартов в соответствии с международными стандартами на взаимопоставляемую продукцию;

использование информационных технологий в сфере стандартизации.

в) Оценка соответствия:

Стороны признают аккредитованные и/или назначенные (уполномоченные) органы по оценке соответствия, испытательные лаборатории и центры другой Стороны, выданные ими сертификаты и результаты испытаний на взаимопоставляемую продукцию;

ответственность за безопасность продукции несет ее производитель, а за достоверность результатов работ по оценке соответствия — аккредитованный и/или назначенный (уполномоченный) орган;

Стороны имеют право производить выборочный контроль импортированной продукции, на которую распространяется действие настоящего Соглашения, в соответствии с законодательством государств Сторон. В случае выявления в продукции недостатков, которые делают ее использование опасным для жизни и здоровья человека, имущества или окружающей среды, Стороны применяют меры в соответствии с законодательством своих государств.

г) Метрология:

Стороны признают:

результаты государственных испытаний (сертификаты, свидетельства) утверждения типа, поверки, калибровки, метрологической аттестации средств измерений;

уполномоченные и аккредитованные лаборатории и центры, которые осуществляют поверку, калибровку, метрологическую аттестацию средств измерений;

стандартные образцы состава и свойств веществ и материалов, стандартные справочные данные о физических константах и свойствах веществ и материалов, утвержденные в государствах обеих Сторон государственные эталоны единиц величин.

2. Действие настоящего Соглашения распространяется на продукцию, произведенную на территории Республики Узбекистан и Грузии.

Статья 4

Стороны договорились обмениваться:

а) информацией о законодательных актах в сфере технического регулирования, стандартизации, метрологии и оценки соответствия;

б) учебными программами, программами семинаров и конференций в сфере технического регулирования, стандартизации, метрологии и оценки соответствия.

Статья 5

Стороны будут взаимодействовать в подготовке и повышении квалификации кадров, обмене специалистами, установлении прямых связей между предприятиями, общественными организациями по организации работ в сфере технического регулирования, стандартизации, метрологии и сертификации и создавать благоприятные условия для этого взаимодействия.

Статья 6

Стороны обеспечивают конфиденциальность получаемой документации и информации о деятельности, проводимой в рамках настоящего Соглашения, и о достигнутых научно-технических результатах, если передающая Сторона оговаривает их конфиденциальность.

Документация и научно-техническая информация, получаемая одной из Сторон в ходе сотрудничества в рамках настоящего Соглашения, может быть передана третьей стороне только при письменном согласии Стороны, предоставившей эту документацию и информацию.

Статья 7

С целью реализации положений настоящего Соглашения, уполномоченные органы обеих Сторон, указанные в статье 2 настоящего Соглашения, могут заключать двусторонние межведомственные документы.

Статья 8

Споры и разногласия, возникающие между Сторонами при толковании и применении положений настоящего Соглашения, решаются путём консультаций и переговоров между уполномоченными органами Сторон.

Статья 9

Настоящее Соглашение не затрагивает прав и обязательств государств Сторон, вытекающих из других международных договоров, участниками которых они являются.

Статья 10

По взаимному согласию Сторон в настоящее Соглашение могут быть внесены дополнения и изменения, которые оформляются отдельными про-

токолами, являющимися его неотъемлемой частью и вступающими в силу в порядке, предусмотренном статьей 12 настоящего Соглашения.

Статья 11

Финансирование сотрудничества в рамках настоящего Соглашения осуществляется на основании договорённости между уполномоченными органами, которые определены в статье 2 настоящего Соглашения.

Статья 12

1. Настоящее Соглашение заключается сроком на пять лет и вступает в силу с даты его подписания. Его действие автоматически будет продлеваться на последующий пятилетний период, если одна из Сторон за шесть месяцев до окончания очередного периода письменно не уведомит другую Сторону о своем намерении прекратить его действие.

2. После вступления в силу настоящего Соглашения, прекращается действие Соглашения между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Грузии о сотрудничестве в области стандартизации, метрологии и сертификации от 28 мая 1996 года.

Совершено в городе Ташкенте 1 апреля 2023 года в двух экземплярах, каждый на узбекском, грузинском и русском языках, при этом все тексты являются равно аутентичны.

В случае возникновения расхождений в толковании положений настоящего Соглашения Стороны обращаются к тексту на русском языке.

(подписи)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан
Озарбайжон Республикаси Ҳукумати ўртасида ноқонуний
миграцияга қарши курашишда ҳамкорлик тўғрисида
БИТИМ**

2022 йил 21 июнь, Тошкент

*Мазкур Битим Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2023 йил 27 февралдаги ПҚ–75-сонли «Халқаро шартномани тасдиқлаш
тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган*

(Ўзбекистон Республикаси учун 2023 йил 5 апрелдан кучга кирган)

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Озарбайжон Республикаси Ҳукумати, кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталувчилар,

ноқонуний миграцияга қарши курашишда ҳамкорлик Томонлар давлатларининг ҳудудларида миграция жараёнларини тартибга солишнинг энг муҳим йўналишларидан бири эканлигини англаган ҳолда,

ноқонуний миграцияга қарши курашишда икки томонлама ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини яратиш мақсадида,

ноқонуний миграция ва унинг салбий оқибатларини бартараф этишда халқаро ҳамкорликнинг муҳим ўрнини эътироф этиб,

ноқонуний миграцияга қарши курашиш бўйича қўшма чораларни амалга ошириш истагида,

қўйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Томонлар мазкур Битим доирасида ўз давлатларининг қонунчилиги ва халқаро мажбуриятларига мувофиқ ноқонуний миграцияга қарши курашишда ҳамкорлик қиладилар.

2-модда

1. Томонлар мазкур Битим доирасида қўйидаги асосий йўналишлар бўйича ҳамкорликни амалга оширадилар:

а) статистик, илмий-методик ва бошқа ўзаро манфаатларни ифода этувчи, жумладан, қўйидагилар юзасидан маълумотлар билан алмашиш:

аниқланган ноқонуний миграция каналлари;

ноқонуний миграцияни ташкил қилиш ва амалга оширишга алоқадор бўлган Томонлар давлатларининг ҳудудларида фаолият юритаётган жисмоний ва юридик шахслар;

ноқонуний миграцияни ташкил қилиш ва амалга оширишда қўлланиладиган жўнатиш ва келиш пунктлари, йўналишлари, ташувчилар ва транспорт воситалари;

ноқонуний миграция мақсадида қўлланиладиган кириш визалари ва бошқа ҳужжатларни олиш ва улардан фойдаланиш усуллари;

фуқаролик тақдим қилиш тартиби;
ноқонуний миграциянинг олдини олишга қаратилган тажриба ва тадбирлар тўғрисида;

ташқи миграцияни тартибга солиш услублари;

Томонлар давлатларининг қонунчилигида ўрнатилган қоидаларни бузган ҳолда, сохта ёки тақдим қилинган Томонлар давлатлари фуқароларининг шахсини тасдиқловчи хужжатлар;

Томонлар давлатларининг фуқаролигини қабул қилган шахслар, шунингдек, Томонлар давлатларининг фуқаролигига тегишлилиги бўлган шахслар;

Томонлар давлатларининг миграция соҳасидаги қонунчилиги, жумладан, миграция жараёнларни тартибга солиш, ноқонуний миграцияга қарши курашиш, шунингдек, Томонлар давлатлари қонунчилигининг кўрсатилган соҳаларидаги ўзгаришлар;

учинчи давлатлар билан тузилган миграция масалалари бўйича халқаро шартномалар;

бошқа Томон давлатининг ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган бир Томон давлатининг фуқаролари тўғрисида;

бошқа Томон давлатининг ҳудудида бир Томон давлатининг фуқароларини ишга жойлаш фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар-лицензиатлар;

б) мансабдор шахс томонидан муҳрланган ва ваколатли орган томонидан тасдиқланган сўровга фуқароларнинг ўз шахсий маълумотларини трансчегаравий топширишга розилик бериш тўғрисидаги ёзма аризалари илова қилинган ҳолларда собиқ СССР паспортларининг 1974 йилдаги намунаси берилганлигини тасдиқлаш;

в) бошқа Томон давлатининг ҳудудида ноқонуний бўлиб турган шахсларни аниқлаш ва ҳисобга олиш;

г) бошқа Томон давлати ҳудудида топилган ёхуд ўлим билан боғлиқ ҳолда олиб қўйилган бир Томон давлати фуқароларининг шахсини тасдиқловчи хужжатларни тўғридан-тўғри Томонлар давлатларининг дипломатик ваколатхоналарига юбориш;

д) Томонлар давлатлари фуқароларининг турар (яшаш) жойи бўйича миграцион ҳисобга қўйиш ёки рўйхатга олиш тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш.

2. Мазкур Битимнинг 1-моддасида кўрсатилган шартларга амал қилган ҳолда бошқа ўзаро маъқул йўналишларни ишлаб чиқиш ва ривожлантиришда мазкур Битим Томонларга тўсқинлик қилмайди.

3-модда

Томонлар мазкур Битим доирасида қуйидаги шаклларда ҳамкорликни амалга оширадilar:

- 1) ноқонуний миграцияга қарши курашиш соҳасида маълумот алмашиш;
- 2) ноқонуний миграцияни олдини олиш ва бартараф этиш бўйича тажрибалар билан алмашиш;

3) миграция масалалари бўйича шуғулланадиган Томонлар ходимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш, хусусан, мазкур соҳада семинар ва стажировкаларни ташкил қилиш кўшган ҳолда;

4) ноқонуний миграцияга қарши курашиш соҳасида илмий изланишларни амалга ошириш.

4-модда

1. Мазкур Битим доирасида ҳамкорлик манфаатдор Томоннинг кўмак бериш тўғрисидаги сўровномалари асосида амалга оширилади (кейинги ўринларда — сўровнома). Ҳар бир Томон ўзида мавжуд бўлган миграция масалалари бўйича маълумотларни бошқа Томонга, башарти ушбу маълумот бошқа Томон учун манфаатли деб ҳисобласа, сўровномасиз жўнатиши мумкин.

2. Сўровнома ёзма равишда рус тилида, хусусан, матн узатишнинг техник воситаларидан фойдаланган ҳолда юборилади. Сўровноманинг ҳақиқийлиги ёки унинг матни юзасидан шубҳа уйғонган тақдирда, қўшимча тасдиқлов талаб қилиниши мумкин.

3. Сўровномада қуйидагилар кўрсатилган бўлиши лозим:

сўраётган ва сўралаётган органнинг номи;

сўровноманинг мазмуни, унинг мақсади ва асоси;

сўровноманинг лозим даражада ижро этилиши учун фойдаланиш мумкин бўлган ҳар қандай бошқа маълумот.

4. Сўровнома сўраётган Томоннинг расмий идора бланкида расмийлаштирилади ва ваколатли мансабдор шахси томонидан имзоланади. Мазкур Битим кучга кирганидан сўнг (45) қирқ беш кун мобайнида Томонлар сўровномани имзолашга ваколатли мансабдор шахслар рўйхати, шунингдек, идоравий бланкалар намуналари билан алмашадилар.

5. Мазкур модданинг 4-бандида кўрсатилган, сўровномаларни имзолаш ваколатига эга мансабдор шахсларнинг рўйхати ўзгарган тақдирда, Томонлар дарҳол бу ҳақида бир-бирларини хабардор этадилар.

5-модда

1. Сўралаётган Томон (30) ўттиз календарь кун мобайнида сўровномани тез ва иложи борица тўлиқ бажарилиши учун барча зарур чораларни кўради. Сўралаётган Томонга сўровноманинг амалга оширилишига тўсқинлик қиладиган ёки унинг ижросини жиддий равишда қийинлаштирадиган ҳолатлар тўғрисида сўраётган Томонни дарҳол хабардор қилади.

2. Сўралаётган Томон, ўзининг фикрига кўра сўровноманинг лозим даражада бажарилиши учун зарур бўлган қўшимча маълумотларни ҳам сўраш ҳуқуқига эга.

3. Сўровноманинг ижроси сўралаётган Томон давлатининг қонунчилиги асосида амалга оширилади.

4. Башарти сўралаётган Томон сўровномани бажариш ўз давлатининг ҳудудида олиб борилаётган жиний ишга тааллуқли бўлган қидирув ёки

бошқа ишларга халақит бериши мумкин деб ҳисобласа, у сўровноманинг бажарилишини кечиктириши ёки унинг бажарилишини сўраётган Томон билан маслаҳатлашувлар натижасида белгиланган зарурий шартлар билан боғлаш ҳуқуқига эга.

Башарти сўраётган Томон таклиф қилинган шартларда унга кўмак кўрсатилишига розилик билдирса, у ушбу шартларга риоя қилиши шарт.

5. Сўралаётган Томон имкон қадар қисқа муддатларда сўровноманинг бажарилиши натижалари тўғрисида сўраётган Томонни хабардор қилади.

6-модда

1. Башарти сўралаётган Томон сўровномани бажариш ўз давлатининг суверенитети, хавфсизлиги, жамоат тартиби ёхуд қонунчилиги ёки халқаро мажбуриятларига зид деб ҳисобласа, сўровномани бажаришни қисман ёки тўлиқ рад этиши мумкин.

2. Сўраётган Томон сўровноманинг бажарилишини қисман ёки тўлиқ рад этганлик тўғрисида мазкур модданинг 1-бандида кўрсатилган рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда хабардор қилинади.

7-модда

1. Мазкур Битимни амалга ошириш учун қуйидагилар Томонлар давлатларининг ваколатли органлари ҳисобланадилар:

Озарбайжон томони тарафидан — Озарбайжон Республикаси Давлат миграция хизмати.

Ўзбек томони тарафидан — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;

2. Башарти юқорида кўрсатилган ваколатли органларнинг расмий номи ва вазифаси ўзгарган тақдирда, Томонлар бир-бирларини дипломатик каналлар орқали дарҳол хабардор қиладилар.

8-модда

1. Сўралаётган Томон, сўраётган Томоннинг илтимосига кўра, сўров келиб тушганлиги, унинг мазмуни ва унга илова қилинаётган ҳужжатлар, шунингдек, мазкур Битим доирасида кўмак берганлик фактининг махфийлигини таъминлаш учун зарурий чораларни кўради.

Башарти сўровни махфийликни сақлаган ҳолда бажаришнинг имкони бўлмаса, сўралаётган Томон бу ҳақда сўровни бундай шароитда бажариш мумкинлигини ҳал қилувчи сўраётган Томонни хабардор қилади.

2. Сўровлар ижросининг натижалари уни тақдим этган Томоннинг розилигисиз сўралган ва тақдим этилган мақсадлардан бошқа мақсадларда фойдаланилиши мумкин эмас.

3. Мазкур Битим асосида бир Томон орқали олинган маълумотларни учинчи томонга бериш учун бундай маълумотларни тақдим этган Томоннинг олдиндан розилиги талаб қилинади.

4. Томонлар мазкур Битим асосида, шунингдек, Томонлар давлатларининг қонунчилиги ва улар иштирокчиси бўлган халқаро шартномаларга мувофиқ юбориладиган ва бажариладиган сўровлар доирасида алмашинадиган жисмоний шахс тўғрисидаги маълумотларнинг ҳимоя қилинишини таъминлайди. Томонлар, шунингдек, жисмоний шахс тўғрисидаги маълумотларининг тасодифий йўқолиши, рухсатсиз фойдаланилиши, ўзгартирилиши ёки тарқатилишидан ҳимоялашни таъминлайдилар.

5. Мазкур Битимнинг амал қилиши тугатилган тақдирда, мазкур модданинг сўров келиб тушганлиги, унинг мазмуни ва унга илова қилинаётган ҳужжатлар, шунингдек, кўмак берганлик фактининг махфийлигини таъминлаш учун зарурий чораларни кўришга доир қоидалари Томонлар учун амал қилишда давом этади.

9-модда

1. Томонлар ўзаро келишувга кўра мазкур Битим доирасида миграция соҳасида ҳамкорликни мувофиқлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадида маслаҳатлашувлар ўтказадилар.

2. Томонлар мазкур Битим қоидаларининг янада самарали ижро этилишини таъминлаш мақсадида қўшма ишчи гуруҳлар тузиши, экспертлар учрашувларини ўтказишлари мумкин.

10-модда

Томонлар, башарти ҳар бир муайян ҳолатда бошқача тартиб келишилган бўлмаса, мазкур Битимни амалга ошириш давомида юзага келиши мумкин бўлган харажатларни ўз давлатларининг миллий қонунчилигига асосан ўзлари мустақил қоплайдилар.

11-модда

Мазкур Битимнинг қоидалари Томонлар давлатлари иштирокчиси бўлган бошқа халқаро шартномалардан келиб чиқадиган Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахл қилмайди.

12-модда

Мазкур Битим доирасидаги ҳамкорликда Томонлар рус тилидан фойдаланадилар. Давлат тилидан фойдаланилган ҳолларда унга рус тилидаги тасдиқланган таржима илова қилиниши лозим.

13-модда

Томонлар мазкур Битим қоидаларини талқин қилиш ёки қўллаш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган баҳсли масалаларни маслаҳатлашувлар ва музокаралар орқали ҳал қиладилар.

14-модда

Мазкур Битимга Томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ва мазкур Битим 15-моддасининг 1-бандида назарда тутилган тартибда кучга кирадиган алоҳида баённомалар билан расмийлаштириладиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

15-модда

1. Мазкур Битим номуайян муддатга тузилади ва Томонларнинг унинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедураларини бажарганликлари тўғрисида охириги ёзма хабарнома дипломатик каналлар орқали олинган санадан бошлаб 30 (ўттиз) календарь кун ўтгач кучга киради.

2. Томонлардан ҳар бири мазкур Битимнинг амал қилишини дипломатик каналлар орқали бошқа Томонга ёзма хабарнома юбориш орқали тугатиши мумкин.

Бундай ҳолда, мазкур Битимнинг амал қилиши бундай хабарнома олинган санадан 60 (олтмиш) календарь кун ўтгач тугатилади.

Тошкент шаҳрида 2022 йил 21 июнда, икки нусхада ўзбек, озарбайжон ва рус тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Мазкур Битим қоидаларини талқин қилишда тафовутлар юзага келган тақдирда, Томонлар рус тилидаги матнга мурожаат қиладилар.

(имзолар)

СОГЛАШЕНИЕ
между Правительством Республики Узбекистан и Правительством
Азербайджанской Республики о сотрудничестве в борьбе с
незаконной миграцией

Ташкент, 21 июня 2022 года

*Настоящее Соглашение утверждено постановлением
Президента Республики Узбекистан от 27 февраля 2023 года № ПП–75
«Об утверждении международного договора»*

(Вступило в силу для Республики Узбекистан 5 апреля 2023 года)

Правительство Республики Узбекистан и Правительство Азербайджанской Республики, в дальнейшем именуемые Сторонами,
рассматривая сотрудничество в борьбе с незаконной миграцией как одно из важнейших направлений регулирования миграционных процессов на территориях государств Сторон,

стремясь создать правовую основу для двустороннего сотрудничества Сторон в борьбе с незаконной миграцией,

отмечая важную роль международного сотрудничества в предотвращении незаконной миграции и ее отрицательных проявлений,

выражая намерения осуществлять совместные меры по противодействию незаконной миграции,

согласились о нижеследующем:

Статья 1

В рамках настоящего Соглашения Стороны осуществляют сотрудничество в борьбе с незаконной миграцией в соответствии с законодательствами и международными обязательствами своих государств.

Статья 2

1. Стороны осуществляют сотрудничество в рамках настоящего Соглашения по следующим основным направлениям:

а) обмен статистической, научно-методической и иной информацией, представляющей взаимный интерес, в том числе относительно:

выявленных каналов незаконной миграции;

действующих на территориях государств Сторон юридических и физических лиц, причастных к организации и осуществлению незаконной миграции;

пунктов отправления и назначения, маршрутов, переводчиков и транспортных средств, которые используются при организации и осуществлении незаконной миграции;

способов получения въездных виз и иных документов и их использования в целях незаконной миграции;

порядка предоставления гражданства;

практики и мер, направленных на предупреждение незаконной миграции; методов регулирования внешней миграции;

недействительных или выданных в нарушение установленного законодательством государств Сторон порядка документов, удостоверяющих личность граждан государств Сторон;

лиц, приобретших гражданство государств Сторон, а также принадлежности лиц к гражданству государств Сторон;

законодательства государств Сторон в области миграции, в том числе регулирования миграционных процессов, организации борьбы с незаконной миграцией, а также об изменениях в указанных областях законодательства государств Сторон;

международных договоров по вопросам миграции, заключенных с третьими государствами;

граждан государства одной Стороны, осуществляющих трудовую деятельность на территории государства другой Стороны:

организаций-лицензиатов, осуществляющих деятельность по трудоустройству граждан государства одной Стороны на территории государства другой Стороны;

б) подтверждение выдачи паспортов бывшего СССР образца 1974 года при наличии письменных заявлений граждан о согласии на трансграничную передачу их персональных данных, прилагаемых к запросам, заверенных должностным лицом и печатью уполномоченного органа;

в) выявление и учет лиц, незаконно пребывающих на территории государства другой Стороны;

г) направление напрямую в дипломатическое представительство государства Сторон документов, удостоверяющих личность граждан государства одной Стороны, найденных либо изъятых в связи со смертью на территории государства другой Стороны;

д) предоставление сведений о постановке на миграционный учет или регистрации по месту пребывания (жительства) граждан государств Сторон.

2. Настоящее Соглашение не препятствует Сторонам в разработке и развитии иных взаимоприемлемых направлений сотрудничества при соблюдении условий, определенных в статье 1 настоящего Соглашения.

Статья 3

Стороны осуществляют сотрудничество в рамках настоящего Соглашения в следующих формах:

1) обмен информацией в сфере противодействия незаконной миграции;

2) обмен опытом по предупреждению и пресечению незаконной миграции;

3) подготовка и повышение квалификации сотрудников Сторон, занимающихся вопросами миграции, включая организацию семинаров и стажировок в данной области;

4) осуществление научных исследований в области борьбы с незаконной миграцией;

Статья 4

1. Сотрудничество в рамках настоящего Соглашения осуществляется на основании запросов заинтересованной Стороны об оказании содействия (далее — запрос). Каждая из Сторон может направлять другой Стороне имеющуюся у нее информацию по вопросам миграции без запроса, если есть основания полагать, что такая информация представляет интерес для другой Стороны.

2. Запрос направляется в письменной форме на русском языке, в том числе с использованием технических средств передачи текста. При возникновении сомнения в подлинности или содержании запроса может быть запрошено дополнительное подтверждение.

3. Запрос должен содержать:

наименование запрашивающего и запрашиваемого органа;

изложение существа запроса, его цель и обоснование;

любую другую информацию, которая может быть использована для надлежащего исполнения запроса.

4. Запрос оформляется на официальном ведомственном бланке и подписывается уполномоченным должностным лицом запрашивающей Стороны. Стороны обмениваются перечнями должностных лиц Сторон, уполномоченных на подписание запросов, а также образцами ведомственных бланков в течение сорока пяти (45) дней после вступления в силу настоящего Соглашения.

5. В случае изменения указанных в пункте 4 настоящей статьи перечней должностных лиц, уполномоченных на подписание запросов, Стороны незамедлительно уведомляют друг друга об этом.

Статья 5

1. Запрашиваемая Сторона принимает все необходимые меры для обеспечения быстрого и полного исполнения запроса в течении тридцати (30) календарных дней. Запрашиваемая Сторона незамедлительно уведомляет запрашивающую Сторону об обстоятельствах, препятствующих исполнению запроса или существенно задерживающих его исполнение.

2. Запрашиваемая Сторона вправе запросить дополнительные сведения, необходимые, по ее мнению, для надлежащего исполнения запроса.

3. Исполнение запроса осуществляется в соответствии с законодательством государства запрашиваемой Стороны.

4. Если запрашиваемая Сторона полагает, что незамедлительное исполнение запроса может помешать уголовному преследованию или иному производству, осуществляемому на территории ее государства, то она вправе отложить исполнение запроса или связать его исполнение с соблюдением условий, определенных в качестве необходимых после консультаций с запрашивающей Стороной.

Если запрашивающая Сторона согласна на оказание ей содействие на предложенных условиях, она должна соблюдать эти условия.

5. Запрашиваемая Сторона в возможно короткие сроки информирует запрашивающую Сторону о результатах исполнения запроса.

Статья 6

1. Запрашиваемая Сторона вправе отказать в содействии в исполнении запроса полностью или частично, если она полагает, что выполнение запроса может нанести ущерб суверенитету, безопасности, общественному порядку либо противоречит законодательству или международным обязательствам ее государства.

2. Запрашивающая Сторона письменно уведомляется о полном или частичном отказе в исполнении запроса с указанием причин отказа, перечисленных в пункте 1 настоящей статьи.

Статья 7

1. Уполномоченными органами государств Сторон по реализации настоящего Соглашения являются:

от Азербайджанской стороны — Государственная миграционная служба Азербайджанской Республики.

от Узбекской стороны — Министерство внутренних дел Республики Узбекистан.

2. В случае изменения официального названия и функций вышеуказанных уполномоченных органов, Стороны будут незамедлительно информировать друг друга по дипломатическим каналам.

Статья 8

1. Запрашиваемая Сторона по просьбе запрашивающей Стороны принимает необходимые меры для обеспечения конфиденциальности факта поступления запроса, его содержания и сопровождающих его документов, а также факта оказания содействия в рамках настоящего Соглашения.

В случае невозможности исполнения запроса с сохранением конфиденциальности, запрашиваемая Сторона информирует об этом запрашивающую Сторону, которая решает, следует ли исполнять запрос на таких условиях.

2. Результаты исполнения запросов без согласия предоставившей их Стороны не могут быть использованы в иных целях, чем те, в которых они запрашивались и были представлены.

3. Для передачи третьей стороне сведений, полученных одной Стороной на основании настоящего Соглашения, требуется предварительное согласие Стороны, предоставившей такие сведения.

4. Стороны обеспечивают защиту информации о физическом лице, которой обмениваются в рамках направления и исполнения запросов на основании настоящего Соглашения, в соответствии с законодательством государства каждой из Сторон и международными договорами, участниками которых являются государства Сторон. Стороны также обеспечивают защиту

информации о физическом лице от случайной потери, несанкционированного доступа, изменения или распространения.

5. В случае прекращения действия настоящего Соглашения, положения настоящей статьи, касающиеся принятия необходимых мер для обеспечения конфиденциальности факта поступления запроса, его содержания и сопровождающих его документов, а также факта оказания содействия, продолжают действовать для Сторон.

Статья 9

1. Стороны по взаимной договоренности проводят консультации в целях координации рассмотрения вопросов укрепления и повышения эффективности сотрудничества в области миграции в рамках настоящего Соглашения.

2. Стороны могут создавать совместные рабочие группы, проводить встречи экспертов в целях обеспечения более эффективного выполнения положений настоящего Соглашения.

Статья 10

Стороны самостоятельно несут расходы, которые возникают в ходе реализации настоящего Соглашения в соответствии с национальным законодательством государств, если в каждом конкретном случае не будет согласован иной порядок.

Статья 11

Положения настоящего Соглашения не затрагивают прав и обязательств Сторон, вытекающих из других международных договоров, участниками которых являются их государства.

Статья 12

Стороны при осуществлении сотрудничества в рамках настоящего Соглашения пользуются русским языком. При использовании государственного языка необходимо прилагать заверенный перевод на русский язык.

Статья 13

Стороны решают спорные вопросы, возникающие в связи с толкованием или применением положений настоящего Соглашения, путем консультаций и переговоров.

Статья 14

По взаимному согласию Сторон, в настоящее Соглашение могут быть внесены изменения и дополнения, оформляемые отдельными протоколами,

которые являются его неотъемлемой частью и вступают в силу в порядке, предусмотренном пунктом 1 статьи 15 настоящего Соглашения.

Статья 15

1. Настоящее Соглашение заключается на неопределенный срок и вступает в силу по истечении 30 (тридцать) календарных дней с даты получения по дипломатическим каналам последнего письменного уведомления о выполнении Сторонами внутригосударственных процедур, необходимых для его вступления в силу.

2. Каждая из Сторон может прекратить действие настоящего Соглашения путем письменного уведомления другой Стороны по дипломатическим каналам. В этом случае действие настоящего Соглашения прекращается по истечении 60 (шестьдесят) календарных дней со дня получения такого уведомления.

Совершено в городе Ташкенте 21 июня 2022 года в двух экземплярах, каждый на узбекском, азербайджанском и русском языках, причем все тексты имеют одинаковую силу.

В случае расхождений в толковании положений настоящего Соглашения, Стороны обращаются к тексту на русском языке.

(подписи)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қирғизистон
Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўртасида Қирғизистон
Республикасида автомобиль ва тижорат техникалари ишлаб
чиқаришни йўлга қўйиш бўйича ҳамкорлик тўғрисида
БИТИМ**

2023 йил 27 январь, Бишкек

(Ўзбекистон Республикаси учун 2023 йил 29 апрелдан кучга кирган)

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Қирғизистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, кейинги ўринларда Томонлар деб аталувчилар,

1996 йил 24 декабрда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасида абадий дўстлик тўғрисидаги Шартнома ҳамда 1996 йил 4 сентябрда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасида саноат кооперацияси тўғрисидаги Битимга амал қилган ҳолда,

саноат ривожланишининг барқарорлигини рағбатлантириш ва ривожлантириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлигини ошириш зарурлигини англаган ҳолда,

Қирғизистон Республикасида автомобиль ва тижорат техникалари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лойиҳасини амалга оширишда ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни тартибга солиш мақсадида мақбул инвестиция муҳитини яратишга қаратилган ўзаро кизиқишни ҳисобга олиб,

бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланиб, Томонлар давлатларининг қонунчилиги ва халқаро мажбуриятларига мувофиқ,

қуйидагилар тўғрисида келишувга эришдилар:

1-модда

Мазкур Битимнинг предмети Қирғизистон ҳудудида йирик узеллик йиғиш — СКД услубида — (кейинги ўринларда — Лойиҳа) автомобиль ва тижорат транспорт воситаларини ишлаб чиқариш заводини қуриш бўйича инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ҳисобланади.

2-модда

1. Томонлар ушбу билан Қирғизистон Республикаси ҳудудида автотранспорт воситалари ишлаб чиқаришни ташкил этишга ва ушбу фаолият учун зарур ёрдам кўрсатишга тайёр эканликларини тасдиқлайдилар.

2. Мазкур Битим асосида Лойиҳани амалга оширишдан манфаатдор бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида лойиҳа доирасидаги биргаликдаги фаолият объекти, ишлаб чиқаришни ташкил этиш босқичлари ва муддатлари, автомобиль ва тижорат техникаси моделлари қатори, ўзаро мажбуриятлар, Лойиҳанинг техник параметрлари ва бошқа шартларни белгиладиган алоҳида шартномалар/контрактлар тузилиши мумкин.

3-модда

Қуйидагилар Томонлар давлатларининг мазкур Битим қоидаларини мувофиқлаштириш ва амалга ошириш учун масъул ваколатли органлари ҳисобланади:

Қирғизистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси номидан — Қирғизистон Республикаси Иқтисодиёт ва тижорат вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги.

4-модда

1. Томонлар Лойиҳани икки давлатнинг қуйидаги хўжалик юритувчи субъектлари томонидан амалга оширилишига келишиб олдилар:

Қирғиз томонидан — «ДТ Техник» МЧЖ ва «Нур» ОАЖ;

Ўзбек томонидан — «Ўзавтосаноат» АЖ.

2. Қирғизистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Лойиҳани амалга ошириш доирасида қуйидаги имтиёз ва преференциялар тақдим этилишида қўмак кўрсатади:

а) мазкур Битим кучга кирган санадан бошлаб 120 кун ичида маҳаллий автотранспорт воситаларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган бутловчи қисмларни импорт қилишда ва автотранспорт воситаларини сотишда қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС)дан озод қилиш;

б) мазкур Битим кучга кирган санадан бошлаб 120 кун ичида истеъмолчиларни маҳаллий ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаларини дастлабки рўйхатдан ўтказганлик учун йиғимларни тўлашдан озод қилиш;

в) ушбу Битим кучга кирган санадан бошлаб 120 кун ичида Божхона иттифоқининг «Филдиракли транспорт воситаларининг хавфсизлиги тўғрисида»ги техник регламенти талабларига мувофиқ Қирғизистон Республикаси ҳудудида автотранспорт воситаларини ишлаб чиқариш жараёнида уларни содалаштирилган сертификатлашни жорий этиш;

г) ушбу Битим кучга кирган санадан бошлаб 120 кун ичида Қирғизистон Республикаси ҳудудида автотранспорт воситаларини ишлаб чиқариш учун олиб кириладиган автотранспорт воситалари тўпламлари (СКД тўпламлари, автокомпонентлар ва эҳтиёт қисмлар) учун божхона тўловларидан озод қилиш;

д) ушбу Битим кучга кирган санадан бошлаб 120 кун ичида маҳаллий ишлаб чиқарилган автотранспорт воситалари учун амалдаги қонунчилик доирасида давлат харидлари бўйича имтиёзлар қўллаш;

э) СКД йиғишнинг биринчи босқичи ишга туширилган санадан бошлаб, маҳаллий автомобиль ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаган ҳолда, СКД йиғишнинг иккинчи йилидан бошлаб утилизация йиғимини жорий этиш;

ж) банк кредитлари ва Қирғизистон Республикаси қонунчилигида тақиқланмаган бошқа молиявий маблағлар ҳисобидан маҳаллий ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаларини автокредитлаш учун молиявий маблағларни мақбулроқ шартларда ажратиш;

з) 2023 йил 1 январдан бошлаб импорт қилинадиган автотранспорт воситаларини дастлабки рўйхатдан ўтказганлик учун йигим миқдорини ошириш.

3. Лойиҳани сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан Ўзбекистоннинг етакчи компанияларидан Қирғизистон резиденти-ишлаб чиқарувчиларига самарали ва сифатли ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун техник ва консултьатив ёрдамни жалб қилган ҳолда ҳар томонлама кўмак кўрсатилади.

5-модда

Ушбу Битим Томонлар давлатларининг улар иштирокчи бўлган бошқа халқаро шартномаларидан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахл қилмайди.

6-модда

Ушбу Битим қоидаларини талқин қилиш ёки қўллаш билан боғлиқ келишмовчиликлар Томонлар ўртасида маслаҳатлашувлар ва музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

7-модда

Зарур ҳолларда Томонларнинг ўзаро келишувига кўра, мазкур Битимга алоҳида баённомалар билан расмийлаштириладиган ва унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

8-модда

Мазкур Битим Қирғиз томони унинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедураларини бажарганлиги тўғрисида ёзма хабарнома Ўзбек томонидан олинган кундан бошлаб кучга киради.

Мазкур Битим икки (2) йил муддатга тузилади. Агар Томонлардан бири мазкур Битимни амал қилишини тугатиш нияти тўғрисида дипломатик каналлар орқали бошқа Томонни хабардор қилмаса, у ўз-ўзидан навбатдаги бир йиллик даврларга узаяверади.

Мазкур Битим Томонлардан бири дипломатик каналлар орқали бошқа Томоннинг Битимни амал қилишини тугатиш нияти тўғрисида ёзма хабарномасини олган кундан бошлаб олти (6) ой ўтгандан сўнг тугатилади.

Бишкек шаҳрида 2023 йил 27 январда ҳар бири ўзбек, қирғиз ва рус тилларида бўлган икки асл нусхада тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Мазкур Битим қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, Томонлар рус тилидаги матнга мурожаат қиладилар.

(имзолар)

СОГЛАШЕНИЕ
между Правительством Республики Узбекистан и Кабинетом
Министров Кыргызской Республики о сотрудничестве по
организации производства автомобильной и коммерческой
техники в Кыргызской Республике

Бишкек, 27 января 2023 г.

(Вступило в силу для Республики Узбекистан 29 апреля 2023 года)

Правительство Республики Узбекистан и Кабинет Министров Кыргызской Республики, в дальнейшем именуемые Сторонами,

руководствуясь Договором о вечной дружбе между Республикой Узбекистан и Кыргызской Республикой от 24 декабря 1996 года и Соглашением между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Кыргызской Республики о производственной кооперации от 4 сентября 1996 года,

сознавая необходимость стимулирования и развития устойчивости промышленного развития, повышения конкурентоспособности хозяйствующих субъектов,

принимая во внимание взаимный интерес, направленный на создание благоприятного инвестиционного климата в целях регулирования взаимных прав и обязанностей при реализации проекта по организации производства автомобильной и коммерческой техники в Кыргызской Республике,

на основе принципов рыночной экономики, в соответствии с законодательством и международными обязательствами государств Сторон,

согласились о нижеследующем:

Статья 1

Предметом настоящего Соглашения является реализация инвестиционного проекта по строительству завода по производству автомобильной и коммерческой техники на территории Кыргызской Республики (далее — Проект).

Статья 2

1. Стороны настоящим подтверждают готовность к организации производства автотранспортных средств на территории Кыргызской Республики и оказать необходимую поддержку этой деятельности.

2. На основании настоящего Соглашения будут заключены отдельные договоры/контракты между хозяйствующими субъектами, заинтересованными в реализации Проекта, определяющие объект совместной деятельности в рамках Проекта, этапы и сроки организации производства, модельный ряд автомобильной и коммерческой техники, обоюдные обязательства, технические параметры Проекта и иные условия.

Статья 3

Для координации и реализации положений настоящего Соглашения ответственными уполномоченными органами государств Сторон являются:

от имени Правительства Республики Узбекистан — Министерство инвестиций, промышленности и торговли Республики Узбекистан;

от имени Кабинета Министров Кыргызской Республики — Министерство экономики и коммерции Кыргызской Республики.

Статья 4

1. Стороны согласились о реализации Проекта между хозяйствующими субъектами двух стран:

АО «Узавтосаноат» — с узбекской стороны;

ОсОО «ДТ Техник» и ОАО «Нур» — с кыргызской стороны.

2. В рамках реализации Проекта Кабинет Министров Кыргызской Республики окажет содействие в предоставлении нижеследующих льгот и преференций:

а) освобождение от уплаты НДС при импорте машинокомплектов, предназначенных для производства автотранспортных средств, и при реализации отечественных автотранспортных средств в течение 120 дней с даты вступления в силу настоящего Соглашения;

б) освобождение потребителей от уплаты сбора при первичной регистрации автотранспортных средств отечественного производства в течение 120 дней с даты вступления в силу настоящего Соглашения;

в) внедрение упрощённой сертификации автотранспортных средств при их производстве на территории Кыргызской Республики в соответствии с требованиями технического регламента Таможенного союза «О безопасности колёсных транспортных средств» в течение 120 дней с даты вступления в силу настоящего Соглашения;

г) освобождение от таможенных пошлин ввозимых машинокомплектов (SKD комплектов, автокомпонентов и частей) для производства на территории Кыргызской Республики автотранспортных средств в течение 120 дней с даты вступления в силу настоящего Соглашения;

д) преференции при государственных закупках в рамках действующего законодательства для автотранспортных средств отечественного производства в течение 120 дней с даты вступления в силу настоящего Соглашения;

е) введение утилизационного сбора на второй год SKD сборки с даты запуска первого этапа SKD сборки, с предоставлением государственной поддержки отечественным автопроизводителям;

ж) выделение финансовых ресурсов на автокредитование автотранспортных средств отечественного производства по линии банковских кредитов и иных финансовых ресурсов, не запрещённых законодательством Кыргызской Республики, на более приемлемых условиях;

з) повышение размера сбора при первичной регистрации импортных автотранспортных средств с 1 января 2023 года.

3. Правительство Республики Узбекистан окажет всестороннее содействие в качественной и своевременной реализации Проекта, в том числе с привлечением технической и консультационной поддержки со стороны ведущих узбекских компаний производителям-резидентам Кыргызской Республики для организации эффективной и качественной сборки автомобильной техники.

Статья 5

Настоящее Соглашение не затрагивает прав и обязательств государств Сторон, вытекающих из других международных договоров, участниками которых они являются.

Статья 6

Разногласия, связанные с толкованием или применением положений настоящего Соглашения, разрешаются путём консультаций и переговоров между Сторонами.

Статья 7

В случае необходимости, по взаимному согласию Сторон, в настоящее Соглашение могут вноситься изменения и дополнения, которые оформляются отдельными протоколами и являются его неотъемлемой частью.

Статья 8

Настоящее Соглашение вступает в силу с даты получения Узбекской стороной письменного уведомления Кыргызской стороны о выполнении внутригосударственных процедур, необходимых для его вступления в силу.

Настоящее Соглашение заключается на два (2) года. Если ни одна из Сторон не уведомит по дипломатическим каналам другую Сторону о своём намерении прекратить действие настоящего Соглашения, оно автоматически продлевается на последующие однолетние периоды.

Настоящее Соглашение прекращает своё действие по истечении шести (6) месяцев с даты получения одной из Сторон по дипломатическим каналам письменного уведомления другой Стороны о намерении прекратить его действие.

Совершено в городе Бишкек 27 января 2023 года в двух подлинных экземплярах, каждый на узбекском, кыргызском и русском языках, причём все тексты имеют одинаковую силу.

В случае возникновения разногласий при толковании положений настоящего Соглашения, Стороны будут обращаться к тексту на русском языке.

(подписи)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Хитой Халқ
Республикаси Ҳукумати ўртасида 2011 йил 26 октябрдаги
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Хитой Халқ
Республикаси Ҳукумати ўртасида ҳамкорлик бўйича ўзбек-хитой
ҳукуматлараро қўмитасини ташкил этиш тўғрисидаги Битимга
ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида
БАЁННОМА**

2023 йил 18 май, Сиан

(Ўзбекистон Республикаси учун 2023 йил 18 майдан кучга кирган)

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати, кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталувчилар,

2011 йил 26 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида ҳамкорлик бўйича ўзбек-хитой ҳукуматлараро қўмитасини ташкил этиш тўғрисидаги Битимнинг 4-моддаси 2-банди ва 7-моддасига асосланиб (кейинги ўринларда — «Битим»),

камбағалликни қисқартириш соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш ва фаоллаштиришдаги икки томонлама манфаатдорликни тасдиқлаб,

қўйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Битимга қўйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) муқаддиманинг учинчи хатбошиси ва 2-модданинг тўртинчи хатбошидаги «транспорт» сўзидан сўнг «қишлоқ хўжалиги, камбағалликни қисқартириш» сўзлари билан тўлдирилсин;

2) 4-модданинг 1-банди қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«1. Томонлар Қўмита доирасида қўйидаги кичик қўмиталарни ташкил этади:

а) Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича кичик қўмита

Ўзбек томони ваколатли органи: Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги;

Хитой томони ваколатли органи: Тижорат вазирлиги;

б) Энергетика соҳасидаги ҳамкорлик бўйича кичик қўмита

Ўзбек томони ваколатли органи: Энергетика вазирлиги;

Хитой томони ваколатли органи: Энергетика ишлари бўйича давлат бошқармаси;

в) Транспорт соҳасидаги ҳамкорлик бўйича кичик қўмита

Ўзбек томони ваколатли органи: Транспорт вазирлиги;

Хитой томони ваколатли органи: Транспорт ва коммуникациялар вазирлиги;

г) Илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича кичик қўмита

Ўзбек томони ваколатли органи: Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги;

- Хитой томони ваколатли органи: Фан ва техника вазирлиги;
д) Маданий-гуманитар ҳамкорлик бўйича кичик қўмита
Ўзбек томони ваколатли органи: Маданият ва туризм вазирлиги;
Хитой томони ваколатли органи: Маданият ва туризм вазирлиги;
е) Хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик бўйича кичик қўмита
Ўзбек томони ваколатли органи: Ташқи ишлар вазирлиги;
Хитой томони ваколатли органи: Ташқи ишлар вазирлиги;
ж) Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлик бўйича кичик қўмита
Ўзбек томони ваколатли органи: Қишлоқ хўжалиги вазирлиги;
Хитой томони ваколатли органи: Қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ ишлари вазирлиги;
з) Камбағалликни қисқартириш соҳасидаги ҳамкорлик бўйича кичик қўмита
Ўзбек томони ваколатли органи: Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги;
Хитой томони ваколатли органи: Қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ ишлари вазирлиги.».

2-модда

Мазкур Баённома кучга кирган санадан бошлаб 2013 йил 31 январдаги Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида Ҳамкорлик бўйича ўзбек-хитой ҳукуматлараро қўмитасини ташкил этиш тўғрисидаги 2011 йил 26 октябрдаги Битимга қўшимча қилиш тўғрисидаги Протокол ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3-модда

Мазкур Баённома қоидаларини талқин қилиш ёки қўллаш бўйича низолар келиб чиққан ҳолларда, Томонлар уларни дўстона маслаҳатлашувлар орқали ҳал этадилар.

4-модда

Мазкур Баённома Битимнинг 10-моддасида назарда тутилган тартибда кучга кириши ва Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Мазкур Баённома Битимнинг амал қилиш муддати давомида амал қилади ҳамда Битимнинг амал қилиш муддати тугалланиши билан ўз кучини йўқотади.

Сиан шаҳрида 2023 йил 18 майда, икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, хитой ва рус тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

(имзолар)

ПРОТОКОЛ
между Правительством Республики Узбекистан и Правительством
Китайской Народной Республики о внесении изменений и
дополнений в Соглашение между Правительством Республики
Узбекистан и Правительством Китайской Народной Республики о
создании узбекско-китайского межправительственного комитета
по сотрудничеству от 26 октября 2011 года

Сиань, 18 мая 2023 года

(Вступил в силу для Республики Узбекистан 18 мая 2023 года)

Правительство Республики Узбекистан и Правительство Китайской Народной Республики, далее именуемые Сторонами,

руководствуясь пунктом 2 статьи 4 и статьей 7 Соглашения между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Китайской Народной Республики о создании Узбекско-Китайского межправительственного комитета по сотрудничеству от 26 октября 2011 года (далее — Соглашение),

подтверждая двусторонний интерес к развитию и активизации сотрудничества в области сокращения бедности,

согласились о нижеследующем:

Статья 1

Внести следующие изменения и дополнения в Соглашение:

1) в третьем абзаце преамбулы и четвертом абзаце статьи 2 после слова «транспортной» добавить слова «третьем абзаце сельскохозяйственной, сокращения бедности»;

2) пункт 1 статьи 4 изложить в следующей редакции:

«1. Стороны в рамках Комитета создадут следующие подкомитеты:

а) Подкомитет по торгово-экономическому компетентный орган с узбекской стороны: Министерство инвестиций, промышленности и торговли;

компетентный орган с китайской стороны: Министерство коммерции;

б) Подкомитет по сотрудничеству в сфере энергетики компетентный орган с узбекской стороны: Министерство энергетики; компетентный орган с китайской стороны: Государственное управление по делам энергетики;

в) Подкомитет по сотрудничеству в области транспорта компетентный орган с узбекской стороны: Министерство транспорта; компетентный орган с китайской стороны: Министерство транспорта и коммуникаций;

г) Подкомитет по научно-техническому сотрудничеству компетентный орган с узбекской стороны: Министерство высшего образования, науки и инноваций;

компетентный орган с китайской стороны: Министерство науки и техники;

- д) Подкомитет по культурно-гуманитарному сотрудничеству
компетентный орган с узбекской стороны: Министерство культуры и туризма;
компетентный орган с китайской стороны: Министерство культуры и туризма;
- е) Подкомитет по сотрудничеству в области безопасности
компетентный орган с узбекской стороны: Министерство иностранных дел;
компетентный орган с китайской стороны: Министерство иностранных дел;
- ж) Подкомитет по сотрудничеству в области сельского хозяйства
компетентный орган с узбекской стороны: Министерство сельского хозяйства;
компетентный орган с китайской стороны: Министерство сельского хозяйства и сельских дел;
- з) Подкомитет по сотрудничеству в области сокращения бедности
компетентный орган с узбекской стороны: Министерство занятости и сокращения бедности;
компетентный орган с китайской стороны: Министерство сельского хозяйства и сельских дел».

Статья 2

С даты вступления в силу настоящего Протокола, признать утратившим силу Протокол о внесении дополнения в Соглашение между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Китайской Народной Республики о создании Узбекско-Китайского межправительственного комитета по сотрудничеству от 26 октября 2011 года, подписанный 31 января 2013 года.

Статья 3

В случае возникновения споров по толкованию или применению положений настоящего Протокола, Стороны будут разрешать их путем дружественных консультаций.

Статья 4

Настоящий Протокол вступает в силу в порядке, указанном в статье 10 Соглашения и является неотъемлемой частью Соглашения.

Настоящий Протокол действует в течение срока действия Соглашения и утрачивает силу по истечении срока действия Соглашения.

Совершено в городе Сиане 18 мая 2023 года в двух подлинных экземплярах, каждый на узбекском, китайском и русском языках, причем все тексты имеют одинаковую силу.

(подписи)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Россия
Федерацияси Ҳукумати ўртасида товарлар келиб чиқишини
сертификатлаштиришнинг электрон тизимларини ўзаро
қўллаш тўғрисида
БИТИМ**

2022 йил 2 декабрь, Самарқанд

(Ўзбекистон Республикаси учун 2023 йил 1 июндан кучга кирган)

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Россия Федерацияси Ҳукумати, кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталади,

2009 йил 20 ноябрдаги Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида товарларнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш Қоидалари тўғрисидаги Битимга ўзгартиришлар киритиш ҳақида 2013 йил 20 ноябрдаги Баённома ва 1993 йил 24 сентябрдаги Товарларнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш Қоидаларини (кейинги ўринларда — 1993 йил 24 сентябрдаги Қоидалар) инobatга олиб,

Томонлар давлатларининг иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳамкорлик даражасини оширишга интилиб,

товарлар келиб чиқишини сертификатлаштиришнинг электрон тизимларини ўзаро қўллаш божхона назорати самарадорлигини ошириш, божхона жараёнларини (божхона расмийлаштируви) тезлаштириш, ўзаро савдони енгиллаштириш ҳамда божхона божлари, солиқлар ва бошқа тўловларни тўғри ҳисоблаш имконини беришини эътироф этиб,

қўйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

**1-модда
Таърифлар**

Мазкур Битимнинг мақсадлари учун қўйидаги тушунчалар қўлланади:

а) «божхона органи»:

Ўзбекистон Республикасида — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси;

Россия Федерациясида — Федерал божхона хизмати;

б) «марказий ваколатли орган (ташкилот)»:

Ўзбекистон Республикасида — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги;

Россия Федерациясида — Россия Федерацияси Савдо-саноат палатаси;

в) «ваколатли орган (ташкилот)»:

Ўзбекистон Республикасида — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги;

Россия Федерациясида — «СТ-1» шаклидаги товар келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатни берувчи савдо-саноат палаталари;

г) «текширув» — Томонлар давлатларининг ваколатли органлари (ташкилотлари) томонидан «СТ-1» шаклидаги товар келиб чиқиши тўғрисидаги

сертификатлар берилганлиги фактини ва ундаги маълумотларнинг ишончлилигини аниқлаш;

д) «товарлар келиб чиқишини сертификатлаштиришнинг электрон тизими» — Томонлар давлатларининг ваколатли органлари (ташкилотлари) томонидан берилган «СТ-1» шаклидаги товар келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатларнинг электрон шакллари ахборот маълумотлар базаларини ўзида мужассамлаштирган, марказий ваколатли органнинг (ташкилотнинг) ахборот тизими (кейинги ўринларда — сертификатлашнинг электрон тизимлари).

2-модда

Умумий қоидалар

Сертификатлаштиришнинг электрон тизимлари импорт қилувчи мамлакат божхона органи томонидан «СТ-1» шаклидаги товарнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатнинг берилганлик фактини ва кўрсатилган сертификатнинг қоғоздаги асл нусхасини тақдим этиш заруратисиз унинг тўғри тўлдирилганлигини текширишни таъминлаш мақсадида яратилади.

3-модда

Мазкур Битимнинг предмети ва амал қилиш соҳаси

1. Марказий ваколатли орган (ташкилот) ўзи томонидан яратилган ва тартибга солинадиган сертификатлаштиришнинг электрон тизимига берилган «СТ-1» шаклидаги товарнинг келиб чиқиш сертификатлари тўғрисидаги маълумотларни жойлаштиради.

2. Товарларни экспорт қилувчи мамлакатнинг Марказий ваколатли органи (ташкilotи) сертификатлаштиришнинг электрон тизимини қўллаш доирасида товарлар олиб кириладиган мамлакат божхона органининг сўровига кўра, «СТ-1» шаклидаги товар келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатнинг электрон шаклида қайд этилган маълумотларни тақдим этади.

3. Божхона органлари сертификатлаштиришнинг электрон тизими доирасида олинган маълумотлардан «СТ-1» шаклидаги товар келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатнинг берилганлик фактини ва тўғри тўлдирилганлигини текшириш учун фойдаланиб, бу ҳақидаги маълумотлар Томонларнинг давлатлари ҳудудидан келиб чиқадиган товарларни божхона декларациясидан ўтказишда товарларни импорт қилувчи мамлакатнинг божхона органларига тақдим этилади.

4-модда

Сертификатлаштиришнинг электрон тизимини яратиш ва қўллашнинг асосий тамойиллари

Сертификатлаштиришнинг электрон тизимини яратиш ва қўллашнинг асосий тамойиллари қуйидагилар ҳисобланади:

а) ваколатли органлар (ташкilotлар) томонидан берилган «СТ-1» шакли-

даги товар келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатлар тўғрисидаги маълумотларни тўплашни марказлаштириш;

б) сертификатлаштиришнинг электрон тизимида берилган «СТ-1» шаклидаги товарнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатлар бўйича маълумотларнинг долзарблиги ва ишончлилиги;

в) сертификатлаштиришнинг электрон тизимидаги маълумотларни рухсатсиз бузиб талқин қилиш ёки йўқ қилиш эҳтимолини истисно этиш;

г) «СТ-1» шаклидаги товар келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатларнинг улар берилган санадан бошлаб камида 3 йил давомида сертификатлаштиришнинг электрон тизимида сақланишини таъминлаш.

5-модда

Ахборот алмашинувига қўйиладиган талаблар

1. Сертификатлаштиришнинг электрон тизимига киритилган электрон «СТ-1» шаклидаги товар келиб чиқиши тўғрисида сертификатидаги маълумотлар таркиби, ариза берувчига берилган «СТ-1» шаклидаги товар келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатнинг қоғоз кўринишидаги асл нусхасида қайд этилган маълумотлар таркиби билан бир хил бўлиши ва 1993 йил 24 сентябрдаги Қоидаларда баён этилган, «СТ-1» шаклидаги товар келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатнинг асл нусхасида қўйилган имзо ва муҳрларни истисно этган ҳолда, «СТ-1» шаклидаги товар келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатни тўлдириш талаблари ва тартибига мувофиқ бўлиши лозим.

2. «СТ-1» шаклидаги товар келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатнинг электрон шакли, 1993 йил 24 сентябрдаги Қоидаларда кўзда тутилган тартибда, марказий ваколатли орган (ташкилот) ёки ваколатли орган (ташкилот) томонидан «СТ-1» шаклидаги товар келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатнинг қоғоз шаклидаги асл нусхаси тасдиқланган кундан кейинги кундан кечиктирмай сертификатлаштиришнинг электрон тизимига киритилади.

3. Божхона органлари ва марказий ваколатли органлар (ташкилотлар), «СТ-1» шаклидаги товар келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатнинг электрон шаклидаги маълумотлар алмашинувини амалга ошириш мақсадида, ушбу Битим имзоланган санадан эътиборан 6 ой давомида Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва Федерал божхона хизмати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Россия Федерацияси Савдо-саноат палатаси ўртасида ўзаро ахборот алмашинувининг техник шартларини келишадилар ва тасдиқлайдилар.

Сертификатлаштиришнинг электрон тизими доирасида электрон ахборот алмашинувини амалга оширишда узатиладиган, «СТ-1» шаклидаги товар келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатдан олинган маълумотлар таркиби ушбу Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланган иловасида келтирилган.

Ахборот алмашинувининг техник шартлари электрон шаклда узатиладиган ахборотларнинг формати ва тузилишини, ахборотни муҳофаза қилиш талабларини, марказий ваколатли органлар (ташкилотлар) ва божхона органлари ўртасидаги ўзаро ахборот алмашинувини ташкиллаштириш схемасини,

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ва тест синовларини ўтказиш тартибини ҳамда бошқа зарур ахборотни мужассамлаштириши лозим.

6-модда

Сертификатлаштиришнинг электрон тизимини ишлаши

1. Марказий ваколатли орган (ташкилот) қуйидагиларни таъминлайди:

а) сертификатлаштиришнинг электрон тизимидаги, ваколатли орган (ташкилот) томонидан берилган, «СТ-1» шаклидаги товар келиб чиқиши тўғрисидаги сертификат ҳақидаги маълумотларнинг тўлақонлиги, долзарблиги ва ишончлилигини;

б) сертификатлаштиришнинг электрон тизимидаги ахборотдан рухсатсиз фойдаланиш, уни йўқ қилиш, модификациялаш, блокировкалаш ва бошқа ноқонуний ҳаракатлардан ҳимоялаш;

в) сертификатлаштиришнинг электрон тизими лозим даражада узлуксиз ишлаши.

2. Сертификатлаштиришнинг электрон тизими лозим даражада ишламаган тақдирда, 1993 йил 24 сентябрдаги Қоидаларнинг товарлар келиб чиқиш мамлакатини ҳужжат билан тасдиқлаш тўғрисидаги қоидалари қўлланилади. Бунда «сертификатлаштиришнинг электрон тизими лозим даражада ишламаслиги» тушунчаси ахборот алмашинувининг техник шартларида кўрсатилади.

7-модда

Текшириш тартиби

1. Товарларни божхона декларациясида экспорт қилувчи мамлакатнинг ваколатли органи (ташкilotи) томонидан берилган «СТ-1» шаклидаги товар келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатлари ҳақида тақдим этилган маълумотлар сертификатлаштиришнинг электрон тизимида мавжуд эмаслиги ёки товарларни божхона декларациясида қайд этилган маълумотлар сертификатлаштиришнинг электрон тизимидаги маълумотларга мос эмаслиги аниқланган тақдирда, товарларни олиб қирувчи мамлакат божхона органлари томонидан 1993 йил 24 сентябрдаги Қоидаларда белгиланган тартибда текширув ўтказилади.

2. Агар Томонлар давлатларининг божхона органларидан бири томонидан товар келиб чиққан мамлакат тўғрисида қайд этилган маълумотларнинг ишончли эмаслиги ёки лозим даражада тасдиқланмаганлигини кўрсатувчи аломатлар аниқланса, товар импорт қилинадиган мамлакат божхона органининг талабига кўра, «СТ-1» шаклидаги товар келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатнинг қоғоз шаклидаги асл нусхаси тақдим этилиши лозим.

8-модда

Тест синовлари

1. Марказий ваколатли органлар (ташкilotлар) ва божхона органлари ахборот алмашинувининг техник шартлари имзолангандан сўнг ахборот ал-

машинуви технологиясини ишлаб чиқиш учун тест синовларини ўтказадилар ва бу давр мобайнида Томонлар давлатларининг божхона органлари Томонлар давлатларининг ҳудудидан келиб чиққан товарларга нисбатан эркин савдо режимини тақдим этиш мақсадида, 1993 йил 24 сентябрдаги Қоидалар низомларига мувофиқ товарлар келиб чиқишини ҳужжат билан тасдиқлашни талаб қиладилар.

Тест синовларини амалга ошириш муддати 3 ойни ташкил этади. Мазкур муддат зарур ҳолларда марказий ваколатли органлар (ташкилотлар) ва божхона органлари ўртасидаги келишув асосида узайтирилиши мумкин.

2. Тест синовлари яқунлангандан сўнг марказий ваколатли органлар (ташкилотлар) ва божхона органлари ўртасида мунтазам равишда ахборот алмашинувини бошлаш санасини келишадилар.

Мунтазам равишда ахборот алмашинуви бошланган санадан 15 кун ўтгандан сўнг, Томонлар эркин савдо режимини тақдим этиш мақсадида, ушбу Битимнинг 6-моддаси 2-банди ва 7-моддасида кўрсатилган ҳолатларни истисно этган ҳолда, товарларни олиб кирувчи давлатнинг божхона органи ушбу давлат ҳудудидан товар келиб чиқишини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилишини талаб қилмасликлари лозим.

9-модда **Битимни қўллаш**

Мазкур Битим, Томонлар давлатлари божхона органларининг товарларни декларацияловчи шахс томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини, 1993 йил 24 сентябрдаги Қоидаларда ва товарларни импорт қилувчи мамлакатнинг божхона қонунчилигида кўзда тутилган тартибда, товарлар келиб чиққан мамлакатини аниқлаш ва улардаги маълумотларнинг ишончлигини аниқлаш мақсадида текшириш бўйича ваколатларини чеклай олмайди.

10-модда **Низолар ва келишмовчиликларни ҳал қилиш**

Мазкур Битим қоидаларини қўллаш ёки талқин қилиш билан боғлиқ бўлган Томонлар ўртасидаги низолар ва келишмовчиликлар улар ўртасидаги маслаҳатлашувлар ва музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

11-модда **Ўзгартиришлар ва қўшимчалар**

Мазкур Битимга Томонлар келишувига асосан, унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган, алоҳида баённомалар билан расмийлаштириладиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

12-модда **Яқуний қоидалар**

Мазкур Битим Томонлар унинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат

ички тартиб-таомилларини бажарганлиги тўғрисида дипломатик каналлар орқали охириги ёзма хабарнома олинган кундан бошлаб кучга киради.

Мазкур Битим номуайян муддатга тузилади ва Томонлардан бири дипломатик каналлар орқали бошқа Томоннинг мазкур Битимни тугатиш нияти тўғрисида тегишли ёзма хабарномани олган кундан бошлаб уч ой ўтгандан сўнг тугатилади.

Самарқанд шаҳрида 2022 йил 2 декабрда икки нусхада, ҳар бири ўзбек ва рус тилларида тузилди, бунда ҳар икки матн ҳам бир хил кучга эга.

(имзолар)

СОГЛАШЕНИЕ
между Правительством Республики Узбекистан и
Правительством Российской Федерации о взаимном применении
электронных систем сертификации происхождения товаров

Самарканд, 2 декабря 2022 г.

(Вступило в силу для Республики Узбекистан 1 июня 2023 года)

Правительство Республики Узбекистан и Правительство Российской Федерации, в дальнейшем именуемые Сторонами,

принимая во внимание положения Протокола от 20 ноября 2013 года о внесении изменений в Соглашение о Правилах определения страны происхождения товаров в Содружестве Независимых Государств от 20 ноября 2009 года и Правил определения страны происхождения товаров от 24 сентября 1993 года (далее — Правила от 24 сентября 1993 года),

стремясь повысить уровень сотрудничества, направленного на защиту экономических и общественных интересов государств Сторон,

признавая, что взаимное применение электронных систем сертификации происхождения товаров обеспечит повышение эффективности таможенного контроля, ускорение совершения таможенных операций (таможенного оформления), облегчение взаимной торговли и точное исчисление таможенных пошлин, налогов и других платежей,

согласились о нижеследующем:

Статья 1
Определения

Для целей настоящего Соглашения используются следующие понятия:

а) «таможенный орган»:

в Республике Узбекистан — Государственный таможенный комитет Республики Узбекистан;

в Российской Федерации — Федеральная таможенная служба;

б) «центральный уполномоченный орган (организация)»:

в Республике Узбекистан — Министерство инвестиций и внешней торговли Республики Узбекистан;

в Российской Федерации — Торгово-промышленная палата Российской Федерации;

в) «уполномоченный орган (организация)»:

в Республике Узбекистан — Министерство инвестиций и внешней торговли Республики Узбекистан;

в Российской Федерации — торгово-промышленные палаты, осуществляющие выдачу сертификатов о прохождении товара формы «СТ-1»;

г) «проверка» — установление факта выдачи сертификатов о происхождении товара формы «СТ-1» уполномоченными органами (организациями) государств Сторон и достоверности содержащихся в них сведений;

д) «электронная система сертификации происхождения товаров» — информационная система центрального уполномоченного органа (организации), включающая информационные базы данных электронных форм сертификатов о происхождении товара формы «СТ-1», выданных уполномоченными органами (организациями) государств Сторон (далее — электронные системы сертификации).

Статья 2

Общие положения

Электронные системы сертификации создаются в целях обеспечения возможности осуществления таможенным органом страны ввоза проверки факта выдачи сертификата о происхождении товара формы «СТ-1», сведения о котором заявляются при таможенном декларировании, и правильности его заполнения без необходимости представления оригинала указанного сертификата на бумажном носителе.

Статья 3

Предмет и сфера действия настоящего Соглашения

1. Центральный уполномоченный орган (организация) размещает в созданной и регулируемой им электронной системе сертификации информацию о выдаваемых сертификатах о происхождении товара формы «СТ-1».

2. Центральный уполномоченный орган (организация) страны вывоза товаров в рамках применения электронной системы сертификации представляет по запросу таможенного органа страны ввоза товаров сведения, содержащиеся в электронной форме сертификата о происхождении товара формы «СТ-1».

3. Таможенные органы используют информацию, полученную в рамках электронной системы сертификации, для осуществления проверки факта выдачи сертификата о происхождении товара формы «СТ-1» и правильности его заполнения, сведения о котором представляются таможенным органам страны ввоза товаров при таможенном декларировании товаров, происходящих с территорий государств Сторон.

Статья 4

Основные принципы создания и применения электронной системы сертификации

Основными принципами создания и применения электронной системы сертификации являются:

- а) централизация сбора информации о выданных уполномоченными органами (организациями) сертификатах о происхождении товара формы «СТ-1»;
- б) актуальность и достоверность содержащихся в электронной системе сертификации сведений о выданных сертификатах о происхождении товара формы «СТ-1»;

- в) исключение возможности несанкционированного искажения или уничтожения содержащейся в электронной системе сертификации информации;
- г) обеспечение хранения в электронной системе сертификации электронных форм сертификатов о происхождении товара формы «СТ-1» не менее 3 лет с даты их выдачи.

Статья 5

Требования к информационному обмену

1. Состав сведений, содержащихся в электронной форме сертификата о происхождении товара формы «СТ-1», внесенного в электронную систему сертификации, должен быть идентичен составу сведений, содержащихся в оригинале сертификата о происхождении товара формы «СТ-1», выданном заявителю в оригинале на бумажном носителе, и соответствовать требованиям и порядку заполнения сертификата о происхождении товара формы «СТ-1», изложенным в Правилах от 24 сентября 1993 года, за исключением подписей и печатей, проставленных на оригинале сертификата о происхождении товара формы «СТ-1».

2. Электронная форма сертификата о происхождении товара формы «СТ-1» вносится в электронную систему сертификации не позднее дня, следующего за днем удостоверения центральным уполномоченным органом (организацией) или уполномоченным органом (организацией) оригинала сертификата о происхождении товара формы «СТ-1», оформленного на бумажном носителе в порядке, предусмотренном Правилами от 24 сентября 1993 года.

3. Таможенные органы и центральные уполномоченные органы (организации) в целях реализации обмена сведениями, содержащимися в электронной форме сертификата о происхождении товара формы «СТ-1», в течение 6 месяцев с даты подписания настоящего Соглашения согласовывают и утверждают технические условия информационного взаимодействия между Министерством инвестиций и внешней торговли Республики Узбекистан и Федеральной таможенной службой, а также Государственным таможенным комитетом Республики Узбекистан и Торгово-промышленной палатой Российской Федерации.

Состав сведений из сертификата о происхождении товара формы «СТ-1», передаваемых при реализации электронного обмена информацией в рамках электронной системы сертификации, приведен в приложении к настоящему Соглашению, которое является его неотъемлемой частью.

Технические условия информационного взаимодействия должны включать в себя формат и структуру передаваемой информации в электронном виде, требования по защите информации, схему организации информационного взаимодействия между центральными уполномоченными органами (организациями) и таможенными органами, порядок действий при возникновении внештатных ситуаций, порядок проведения тестовых испытаний и иную необходимую информацию.

Статья 6

Функционирование электронной системы сертификации

1. Центральный уполномоченный орган (организация) обеспечивает:

а) полноту, актуальность и достоверность сведений, содержащихся в электронной системе сертификации, о выданных уполномоченными органами (организациями) сертификатах о происхождении товара формы «СТ-1»;

б) защиту содержащейся в электронной системе сертификации информации от несанкционированного доступа, уничтожения, модификации, блокирования, иных неправомерных действий;

в) надлежащее бесперебойное функционирование электронной системы сертификации.

2. В случае ненадлежащего функционирования электронной системы сертификации применяются положения Правил от 24 сентября 1993 года в части документального подтверждения страны происхождения товаров. При этом понятие «ненадлежащего функционирования электронной системы сертификации» будет указано в технических условиях информационного взаимодействия.

Статья 7

Процедура проверки

1. В случае если установлено, что представленные при таможенном декларировании товаров сведения о выданных уполномоченным органом (организацией) страны вывоза товаров сертификатах о происхождении товара формы «СТ-1» отсутствуют в электронной системе сертификации либо сведения, представленные при таможенном декларировании товаров, не соответствуют сведениям, содержащимся в электронной системе сертификации, таможенными органами страны ввоза товаров проводится проверка в порядке, предусмотренном Правилами от 24 сентября 1993 года.

2. В случае выявления одним из таможенных органов государств Сторон признаков, указывающих на то, что заявленные сведения о стране происхождения товаров могут быть недостоверными либо должным образом не подтвержденными, оригинал сертификата о происхождении товара формы «СТ-1» на бумажном носителе должен быть представлен по требованию таможенного органа страны ввоза товаров.

Статья 8

Тестовые испытания

1. Центральные уполномоченные органы (организации) и таможенные органы после подписания технических условий информационного взаимодействия для отработки технологии обмена информацией осуществляют тестовые испытания, в период проведения которых таможенные органы государств Сторон для целей предоставления режима свободной торговли в отношении товаров, происходящих с территории государств Сторон, требуют докумен-

тальное подтверждение происхождения товаров в соответствии с положениями Правил от 24 сентября 1993 года.

Срок осуществления тестовых испытаний составляет 3 месяца. Этот срок при необходимости может быть продлен по согласованию между центральными уполномоченными органами (организациями) и таможенными органами.

2. По завершении тестовых испытаний центральные уполномоченные органы (организации) и таможенные органы согласовывают дату начала обмена информацией на регулярной основе.

Через 15 дней с даты начала обмена информацией на регулярной основе таможенный орган страны ввоза товаров не должен требовать предоставления документального подтверждения происхождения товаров с территорий государств Сторон для целей предоставления режима свободной торговли, за исключением случаев, указанных в пункте 2 статьи 6 и статье 7 настоящего Соглашения.

Статья 9 **Применение Соглашения**

Настоящее Соглашение не может ограничивать полномочия таможенных органов государств Сторон по проверке подлинности документов, представленных лицом, декларирующим товары, в целях определения страны происхождения товаров, и достоверности содержащихся в них сведений в порядке, предусмотренном Правилами от 24 сентября 1993 года и таможенным законодательством страны ввоза товаров.

Статья 10 **Урегулирование споров и разногласий**

Споры и разногласия между Сторонами, связанные с применением или толкованием положений настоящего Соглашения, разрешаются путем консультаций и переговоров между ними.

Статья 11 **Изменения и дополнения**

В настоящее Соглашение по согласию Сторон могут вноситься изменения и дополнения, являющиеся его неотъемлемой частью, оформляемые отдельными протоколами.

Статья 12 **Заключительные положения**

Настоящее Соглашение вступает в силу с даты получения последнего письменного уведомления по дипломатическим каналам о выполнении Сторонами внутригосударственных процедур, необходимых для его вступления в силу.

Настоящее Соглашение заключается на неопределенный срок и прекра-

щает свое действие по истечении трех месяцев с даты получения одной из Сторон по дипломатическим каналам соответствующего письменного уведомления другой Стороны о ее намерении прекратить действие настоящего Соглашения.

Совершено в городе Самарканде 2 декабря 2022 года в двух экземплярах, каждый на узбекском и русском языках, причем оба текста имеют одинаковую силу.

(подписи)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРИ
ТЎПЛАМИ
СБОРНИК
МЕЖДУНАРОДНЫХ ДОГОВОРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

*Расмий нашр
Официальное издание*

**Ўзбекистон Республикаси Халқаро шартномалари тўплами / Сборник
международных договоров Республики Узбекистан. 1-2 (77-78)-сон, 2023 й.
— 125 б.**

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2023 й.

Таҳрир ҳайъати:

*Кличев Хаётжон Одилович
Абдуллаев Шерзод Комилович*

Компьютерда саҳифаловчи:

Қурбонбоев Шерзод Шамуратович

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги
«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази.
100060, Тошкент ш., Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 19-уй.
тел.: (71) 233-38-08, (71) 233-28-18.

Бичими 70x108 1/16.,
Ҳажми 7,75 б.т. Индекс: 949.
